

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзавтосаноат” АЖ Комплаенс,
Ишлаб чиқариш ва молиявий
хавфларни мониторинг қилиш
Департаменти директори


Ш.Н. Зуннунов

“ 10 ” январь 2025 йил

“Ўзавтосаноат” АЖда 2024 йил мобайнида коррупцияга қарши
курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТИ

10.01.2025 йил

Тошкент шаҳри

I. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот

“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2024 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури” қабул қилиниб, унда коррупцияга қарши курашиш, барвақт олдини олиш, унга шарт-шароит яратувчи сабаб ва омилларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгиланган.

Хусусан, тасдиқланган чора-тадбирлар режасида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибий корхоналарида коррупцияга қарши курашиш борасида жами **22 та** тадбирлар белгиланган бўлиб, 2024 йил давомида белгиланган мазкур тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланган.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

“Ўзавтосаноат” АЖда қуйидаги комплаенс назоратига оид сиёсат ва процедуралар қабул қилинган:

“Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши мажлисининг 18.10.2022 йилдаги 16-2022-сонли Баёни билан:

1. “Ўзавтосаноат” АЖнинг порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати янги таҳрирда;

2. “Ўзавтосаноат” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;

3. “Ўзавтосаноат” АЖнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати янги таҳрирда;

4. “Ўзавтосаноат” АЖнинг алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;

5. “Ўзавтосаноат” АЖда ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;
6. “Ўзавтосаноат” АЖнинг бизнес ҳамкорларини комплекс текшириш процедураси янги таҳрирда;
7. “Ўзавтосаноат” АЖга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;
8. “Ўзавтосаноат” АЖ коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
9. “Ўзавтосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;
10. “Ўзавтосаноат” АЖнинг хизмат текширувларини ўтказиш процедураси янги таҳрирда;
11. “Ўзавтосаноат” АЖнинг бизнес ҳамкорларнинг одоб-ахлоқ кодекси янги таҳрирда;
12. “Ўзавтосаноат” АЖ хайрия ва тижорат хомийлиги бўйича сиёсати янги таҳрирда;
13. “Ўзавтосаноат” АЖ жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати янги таҳрирда;
14. “Ўзавтосаноат” АЖ санкциялар ва экспорт назорати сиёсати янги таҳрирда;
15. “Ўзавтосаноат” АЖ совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳат қилиш процедураси;
16. Коррупция ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда совғалар сиёсати бўйича низом.

2022 йил 22 декабрдаги 27-174-сон буйруғи билан:

1. “Ўзавтосаноат” АЖ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;
2. “Ўзавтосаноат” АЖ одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом қабул қилинган.

“Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши мажлисининг 11.06.2024 йилдаги 7-2024-сон баёни билан:

1. Фирибгарликка қарши курашиш сиёсати;
2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш сиёсати;
3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссияси тўғрисидаги Низом;
4. Комплаенс-назорат қўлланмаси (Handbook);
5. Санкциялар ва экспорт назорати сиёсати;

6. Ходимлари одоб-ахлоқ қоидалари янги таҳрирда қабул қилинган.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

“Ўзавтосаноат” АЖ томонидан коррупциявий хавф-хатарлар қуйидаги соҳалар бўйича таҳлил қилинган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сон Қарори асосида “Ўзавтосаноат” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупцияга қарши кураш дастури ҳамда коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати шакллантирилди.

Ҳисобот даврида жамиятнинг барча лавозимлар бўйича белгиланган вазифалардаги коррупцион хавфлар юқори (4 та), ўрта (18 та), паст (6 та) даражали эканлиги баҳоланди.

Баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, малакали мутахасислар хавотирсиз фаолият кўрсатишига имконият яратиш, коррупцион хавфи юқори лавозимдаги хавфларни минималлаштириш мақсадида, 7 та ички идоравий (локал) ҳужжатларга берилган тавсиялар асосида тегишли ўзгартиришлар киритилди.

2024 йилда “Ўзавтосаноат” АЖ ва тизим корхоналарининг 293 нафар коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозим ва вазифада ишловчи ҳамда комплаенс хизмати ходимлари ISO талаблари бўйича ўқитилиб сертификатлар берилди.

Натижада, хавфлар юқори (4 та) функциялар хавфи пастга, хавфи ўрта (18 та) функциялар хавфи пастга, хавфи паст (6 та) функциялар хавфи кўтарилмаслиги чоралари кўрилди.

“Ўзавтосаноат” АЖ меҳнат шартномаларига коррупцион хавфлар, манфаатлар тўғнашувини олдини олиш бўйича бандлар киритилиб, қўшимча шартнома тузиш орқали огоҳлантирилди ва эҳтимолий хавфларни олдини олишга қаратилган чоралар кўрилди.

Сиёсат ва стандартлар қайта кўриб чиқилиб, амалдаги қонунчилик ва альянс шартларидаги янги талабларга мувофиқлаштириш бўйича таҳлилий ўрганишлар олиб борилди.

Жумладан, ички локал ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб таомиллар

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги

Жамиятда ходимларни ишга олиш ва иш жойини ўзгартириш жараёнида манфаатлар тўқнашувининг эҳтимолий хавфлари мунтазам равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

Ўтган йилда “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви декларацияси тўлдирилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш давомида жами 14 та ҳолатда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги аниқланган.

Ўз навбатида, манфаатлар тўқнашуви бир-бирига бўйсунув асосида фаолият юритувчи ходимлар ўртасида аниқланган ҳолатларда, тегишли чоралар кўрилган.

Контрагентларни текшириш

2024 йил давомида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарида жами 1.333 та контрагентлар ўрганилиб, шундан 1.239 тасига ижобий хулосалар берилган, қолган 94 тасини ўрганиш жараёнида “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисидаги”ги Қонунлар талаблари бузилганлиги аниқланганлиги учун салбий хулосалар берилган.

Ишга номзодларни текшириш

2024 йил давомида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарида жами 2.088 нафар ишга киришга номзодлар бўйича текширувлар ўтказилиб, уларнинг барчасига ижобий хулоса берилган.

V. Таълим ва коммуникация

Жамият ходимлари ўртасида комплаенсга доир тартиб-таомилларни тарғиб қилиш, таништириш, ўқитиш (таълим) ва риоя этилишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар қилинган.

Масалан, ходимларга қулайлик яратиш, уларнинг вақти ва корхона маблағларини тежаш, замонавий ахборот технологилаларидан самарали фойдаланиш мақсадида, комплаенсга оид сиёсатлар билан барча ходимлар танишиши учун ҳужжатларни электрон ҳужжатлар айланиш тизимига жойлаштириш, шунингдек тегишли сертификатга электрон имзо қўйиш ҳақида таклиф киритилган.

Таклифлар масъуллар томонидан кўриб чиқилиб, ЭҲА тизими такомиллаштирилди ва комплаенсга оид сиёсатлар тизимга жойланган.

Натижада, ходимлар сиёсатлар билан электрон тарзда танишиб, электрон имзолари орқали бу ҳолатни тасдиқлаб, фаолиятда қўллаб бормоқдалар.

Шунингдек, жамиятнинг 2088 нафар ходимларига коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва комплаенс сиёсатларининг мазмун-моҳияти бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилган.

Ўз навбатида, ушбу амалиёт масъул давлат органлари томонидан ижобий иш тажрибаси сифатида эътироф этилган.

Хусусан, жамият Бош директорининг 30.09.2024 йилги “Комплаенс сиёсатлари бўйича ўқиш ташкил этиш ҳақида”ги 30-00555-сонли буйруғи қабул қилиниб, жамият ходимлари коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва комплаенс сиёсатлари бўйича офлайн шаклда Комплаенс хизмати ходимлари томонидан ўқитилган.

Жамият ходимларини комплаенсга оид сиёсатларга ўқитиш, уарга мавжуд тартиб-таомиллар тушунтириш вазифаси устувор аҳамият бериб келинмоқда.

Ички идоравий (локал) ҳужжатлари такомиллаштирилиб, комплаенсга оид сиёсат талабларининг бузилиши тегишли интизомий жавобгарликни келтириб чиқариши жамиятнинг “Ички меҳнат тартиб” Қоидаларида мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашга қаратилган бошқа ишлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, ОАВларда “Ўзавтосаноат” АЖ раҳбарияти томонидан жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолати юзасидан ҳисоботлар бериш ёки чиқишлар амалга оширилди.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик ва фуқаролар олдида ҳисобдорлик таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти билан таништириш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар билан мулоқот ўрнатиш мақсадида 2024 йилнинг 6 декабрь куни “9-декабрь – халқаро коррупцияга қарши курашиш куни” муносабати билан “Очиқ эшиклар куни” тадбири ўтказилди.

Тадбирда жамият ходимлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Турин политехника университети ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Иштирокчиларга автомобилсозлик соҳасида, хусусан Жамиятда кенг миқёсда амалга оширилган ислоҳотлар, коррупцияга қарши курашиш тизими ва унинг натижадорлиги ҳамда очиқликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тақдимот ўтказилиб, батафсил маълумот берилди.

Бугунги кунда, жамиятнинг Комплаенс хизматида жами **81 нафар** малакали ва тажрибали мутахассислар фаолият олиб бориб, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими” халқаро стандартига

мувофиқ “Коррупцияга қарши бошқарув тизимининг менеджери / ички аудитори” сертификатини олган.

Шунингдек, Комплаенс хизмати томонидан жамиятнинг масъул лавозимларида фаолият олиб бораётган **212** нафар раҳбар ва ҳодимлар учун ҳам ISO 37001:2016 халқаро стандарти бўйича махсус ўқув курсини ўташлари таъминланди ва улар муваффақиятли якунлади.

VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

Жамиятда мурожаатларни кўриб чиқишда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг 28.12.2016 йилги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2018 йилги 341-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат ташкилотларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом ва бошқа қонун-ҳужжатлари талабларига риоя этилмоқда.

“Ўзавтоасаноат” АЖ ва унинг тизим қрхоналарига 2024 йилда жами **5.475 та** мурожаат келиб тушган.

Келиб тушган мурожаатларнинг 40 таси бевосида Компленс хизмати ҳодимлари томонидан ўрганилиб, 9 та ҳолатда коррупцион ҳолатлар бўйича (мол-мулкни талон-торож қилиш (4 та) ва моддий манфаатдор бўлиш мақсадида пул талаб қилиш (3 та), ўтказилган ҳариддан норози (2 та) мазмунида) хизмат текшируви ўтказилган.

Натижада, 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган (ЖК 167-м), 2 та ҳолатда жиноят иши қўзғатиш рад этилган (зарар бартараф этилган) ва 4 та ҳолатда терговга қадар текшириш ҳаракатлари давом этмоқда. Шунингдек, юқоридагилардан ички идоравий ҳужжат ва комплаенс сиёсатлари бузилган 8 та ҳолатда айбдор ходимлар интизомий жазо олган ва ишдан бўшатишган.

Мурожаатларнинг барчаси қонун талаблари доирасида ўз муддатларида ҳал этилиб, муаллифларига кўриб чиқиш натижалари бўйича жавоб хатлари юборилиши таъминланган.

VII. Мониторинг ва назорат

“Ўзавтосаноат” АЖ коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётида Коррупцияга қарши тартиб таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш ва унинг натижаларини рўйхатга олиб бориш белгиланган.

Мазкур услубиёт талабларидан келиб чиқиб, 2024 йил давомида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарда жами 20 та мониторинг ва назорат тадбирлари олиб борилиб, коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлиги назорат қилиб борилган.

Жумладан, идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинг қилинган. Унинг натижасида “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши мажлиси 11.06.2024 йилдаги 7-2024-сонли баёни билан “Фирибгарликка қарши курашиш сиёсати” тасдиқланган.

Шу каби, оммавий ахборот воситалари мониторинги доирасида корхона раҳбарлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ОАВ ва газета журналларда чиқишлар қилиш ҳамда Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг қўламли «Аксилкоррупция ҳафталиги»ни ўтказиш режалаштирилган.

Мазкур режалар ижроси назорати давомида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибидаги 14 та корхона раҳбарлари томонидан ОАВда чиқишлар қилинган ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ҳамда қатор Олий таълим талабалари иштирокида очиқ эшиклар куни тадбирлари ўтказилган ва улар “Ўзбекистон-24” телеканалли орқали намойиш этилган.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Олди олинган харажатлар ва бошқа самаралар

2024 йилда Комплаенс хизмати томонидан жамият фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, маҳсулот таннархини тушириш, ортиқча харажатларни қисқартириш, бизнес режа мақсадларига эришиш ва бошқа устувор масалалар бўйича раҳбарият кўрсатмалари ижроси юзасидан тизимли назорат ўрнатилиб, бир қатор ишлар амалга оширилди ва **2 705** млрд. сўмлик **умумий самарага** эришилди.

(таққослаш учун, ўтган йилнинг ушбу даврида кўрсаткич 1920 млрд. сўмни ташкил этган)

Шундан, молия соҳасида 953,4 млрд. сўм, маҳаллийлаштиришда 141,9 млрд. сўм, харид соҳасида 705,5 млрд. сўм, ишлаб чиқаришда 307,8 млрд. сўм, таъминотда 456,3 млрд. сўм ва назорат тадбирлари ҳамда хизмат текширувларини ўтказишда 140,2 млрд. сўм харажатлар олди олиниб, эркин рақобат шароитида бизнеснесни базорда мавқеини сақлаган ҳолда рентабелли фаолият кўрсатишига ҳисса қўшилди.

Молия соҳасида олди олинган **953,4 млрд. сўм** харажатлардан 551,9 млрд. сўми йиллик бизнес режада ортиқча киритилган харажатларни камайтириш, 70,8 млрд. сўм пул маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, 17,6 млрд. сўм асоссиз солиқларни ортиқча тўлаш, 270,3 млрд. сўм махсулот

таннархи ошиши, уни тушириш ҳисоб-китобларини нотўғри шаклланиши ва 42,8 млрд. сўми бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни таклаш ҳамда бошқалар ташкил этган.

Маҳаллийлаштириш соҳасида олди олинган **141,9 млрд. сўм** харажатларнинг 35 млрд. сўми истиқболсиз сифатида тўхтатилган лойиҳаларни қайта тиклаш, 5,9 млрд. сўми янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, 101 млрд. сўми бевосита лойиҳаларда иштирок этиш орқали эришилди.

Харид йўналишида **705,5 млрд. сўм** иқтисод қилинган маблағларнинг 520,7 млрд. сўми қонун бузилишларни олдини олиш, 41,8 млрд. сўми ортиқча харажатларни олдини олиш, 38,6 млрд. сўми маҳсулотлар нархларини камайтириш ҳамда 104,4 млрд. сўми ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳолатлари ҳисобига тўғри келган. Махсус ахборот порталларида тўловларни назоратли равишда амалга ошириш ҳамда мақсадсиз тўловларди олдини олиш мақсадида СМС тасдиқ орқали амалга ошириш йўлга қўйилди, келгусидаги жараётганларда хавфлар минималлаштириш чоралари кўрилди.

Ишлаб чиқариш ва сифат тизими мониторинги натижасида **307,8 млрд. сўм** харажатлар олди олинган бўлиб, шундан 72,8 млрд. сўм таннархни тўғри шакллантириш, 108,4 млрд. сўми бизнес режада ортиқча киритилган харажатларни камайтириш, 48,3 млрд. сўм ортиқча ишчи кучини оптималлаштириш, 78,3 млрд. сўми ишлаб чиқаришда юкларнинг оптималлаштириш орқали эришилган.

Шунингдек, таъминот соҳасида ҳам эришилган **456,3 млрд. сўм**лик натижанинг 288,6 млрд. сўми ортиқча ва ишлаб чиқаришга зарур бўлмаган қисмларга берилган буюртмаларни қайтариш, 101,8 млрд. сўми ноликвид ва брак маҳсулотларни аниқлаш, 41 млрд. сўми ортиқча ва ишлаб чиқаришга зарур бўлмаган қисмларга берилган буюртмаларни қайтариш, 19,5 млрд. сўми бизнес режада ортиқча киритилган харажатларни камайтириш, 4 млрд. сўми маҳсулотларнинг кирим ва чиқимларидаги хатоликларни аниқлаш ва 1,4 млрд. сўми логистика харажатларини таҳлил қилиш ва хаво йўллари орқали берилган буюртмаларни камайтириш орқали эришилган натижаларни ташкил этади.

Юқоридаги сингари барча кўрсатилган амалий ёрдам ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган тадбирларга қарамасдан бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари содир этилганлиги ҳолатлари ҳам аниқланди.

Эркин рақобат шароитида бизнесни ҳимоя қилиш, рентабелли фаолият кўрсатишини таъминлаш, энг катта потенциалимиз ҳисобланган малакали мутахасисларимизни ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш мақсадида, комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш, коррупциядан холи бўлиш, халқаро ва Ўзбекистон қонунчилиги, альянс ва ҳамкорларимиз талабларини уйғунлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган сиёсатлар ва ички

идоравий ҳужжатларни риоя қилинишини таъминлаш борасида ишлар давом эттирилмоқда.

“UzAuto Motors” АЖ Комплаенс хизмати томонидан 2024 йилда жами 61 та назорат тадбирлари ва хизмат текширувлари ўтказилиб, 31 та ҳолатда тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган ва 10 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилган, қолган ҳолатларда 122 нафар айбдор ходимлар интизомий жавобгарликка тортилган.

IX. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

2024 йил давомида амалга оширилган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, куйидагилар таклиф қилинади.

1. Хавфларни баҳолаш ва уларни камайтириш йўналишида илғор халқаро тажрибаларни методика ва амалиётга татбиқ қилиш;

2. Коррупцияга қарши курашиш қўмиталари фаолиятини ташкил этишда Кузатув кенгашлари ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш қўмиталарининг фаолиятини жонлантириш;

3. Комплаенс талаблари фаолиятда тўғри ишлаётганлигини ички аудитдан ўтказиш, бу борада Комиссия тузиш;

4. Контрагент ва учинчи тарафларни комплекс текширувдан ўтказиш бўйича сиёсатни қайта кўриб чиқиш ва Халқаро ахборот агентликлари (“DOW JONES” ва бошқалар) билан ҳамкорликни кенгайтириш;

5. Халқаро тажриба алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда чет эллик ҳамкорлар билан ходимларни малака ошириш ишларини кенгайтириш;

**Комплаенс хизмати
раҳбари**



А.Одилов